

АҚШда мусулмон ёшлар шаҳарни чиқиндилардан тозалашди



16:32 / 08.01.2019 2516

Филадельфия штати мусулмон ёшлари шаҳарнинг сайёҳлар ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойларини турли чиқиндилардан тоза ламоқдалар. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

АҚШ билан Мексика чегараларида қурилаётган деворни молиялаштирилиши оқибатида юзга келган молиявий инқироз Федерал ҳукуматнинг қисман ёпилишига сабаб бўлган. Оқибатда шаҳарни тозаловчи давлат ходимлари ишга чиқишмаган ва бу сайёҳлар ташриф буюрадиган кўплаб дам олиш масканларининг чиқиндиларга тўлиб кетишига олиб келган. Бироқ бу ҳолат мусулмон ёшларни бефарқ қолдирмади. “Ҳукуматнинг қисман ёпилиши ва бўлиб турган воқеалар афсусланарли ҳолат, лекин биз шаҳар озодалигига жим қараб туролмадик,

қўлимиздан келганча ишляпмиз”, дейди ёшлардан бири ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида.

Маълум бўлишича, ушбу хайрия акцияси натижасида бир ҳафта ичида шаҳарнинг 50 дан ортиқ турли сайёҳлар дам оладиган жойлари чиқиндилардан тозаланган. Мусулмон ёшларнинг бу беғараз ташаббусидан хурсанд бўлган Филадельфия шаҳри мери Жим Кэнней: “Кўнгилли ёшлар катта савобли ишга қўл уришди. Трамп ҳукуматни ёпиши мумкин. Бироқ америкалик ёш мусулмонларнинг фуқаролик бурчини инкор эта олмайди” деди. Конгресс ва Оқ уй янги бюджет борасида бир тўхтамга кела олмаганлиги учун федерал ҳукумат ташкилотлари янги бюджет қабул қилингунига қадар маошсиз ишлашга мажбур бўлмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти